



# ХАБАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 10 октябрь № 41 (269)

Сотувда нархи эркин

## СОВФАЛАР ТОПШИРИЛДИ

Матбуотда Республикаимиз халқ хўжалигини турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилаётган илгорлардан бир қатори ҳукуматимизнинг ордена ва медаллари билан му-

Н.И.Антипова, Тошкент шаҳар Ҳамза телефон тармоғи бош муҳандисининг ўринбосари С.К.Исмоилов, «Алокаинвест» хиссасдорлик жамиятининг Фарғона алоқа кўча механизация-

телекоммуникациялар агентлиги биносида мукофотланганларни тақдирлаш маросими бўлди. Маросимда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг Бош директо-



кофотланганлиги ҳақида хабар қилинган эди. Улар орасида алоқа соҳасида юксак меҳнат натижаларига эришган захматқаш алоқачилар ҳам бор. Наманган вилояти Косонсой тумани алоқа тармоғининг муҳандиси А.А.Азамов, Қарши шаҳарлараро телефон станциясининг телефончиси

лашган жамланмаси кабелчи-қалайловчиси В.Д.Маҳмудов, Бухоро вилояти Ромитан туман электралоқа боғламасининг электромантўри Н.Н.Рўзиёв, «Алокаинвест» хиссасдорлик жамиятининг раиси А.Т.Тоғайалиевлар ҳукуматимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди.

Ҳақиқатда Ўзбекистон почта ва

ри А.Х.Жўрабоев мукофотланганларни қизгин мувоҳабат билан, уларнинг ҳар бирига агентлигининг қимматбаҳо совгалари — гиламларни топширди. Маросим сўнгида мукофотланганлар эсдалик учун суратга тушишди.

А.КУДИНОВ,  
Суратқаш  
Т.ЛУТФУЛЛАЕВ

«Ўздунробита» кўшма корхонасининг шарофати билан бундан беш йил муқаддам илк бор кўча ва нисбатан замонавий уяли радиотелефон алоқаси жорий этилган бўлса, эндиликда бу иш билан етти та ҳаракатдаги оператор машғул — булар «Ўздунробита»дан ташқари «Коском», «U-tel», «Бузел» (кўча ва тургун), «Ўзмаком» ва ниҳоят, DAEWOO UNITELдир. «ДЭУ», аниқроғи, «ДЭУ-сентрал Пейжинг Со» корпорацияси (Корея Республикаси) томонидан Тошкентда янги ташкил этилган мазкур уяли алоқа корхонасининг расмий очилиш маросими 1997 йилнинг 25 сентябрида бўлиб ўтди. Унда кўпгина меҳмонлар ва бўлғуси мижозлар фаол иштирок этди.

DAEWOO UNITEL тўла равишда ўз муассисининг маблағига иш бошлади. Мазкур корхона, гарчи GSM андозасида ишлаш учун бошқа опе-

батан арзонроқ нархдадир. Маҳаллий кўнғироқлар учун тарифлар ҳам анчагина фарқ қилади. Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тарифлари ҳам

## DAEWOO UNITEL ИШ БОШЛАДИ

раторлар билан бир пайтда лицензия олган бўлса-да, фақат эндигина уни амалда рўйга чиқариш имконига эга бўлди. Корхонанинг очилиш пайтига қадар Тошкентдаги марказий ва ўн учта таянч станциялари иш бошлаб улгурган эди. Улар шаҳар осмони ва қирқ километрик радиусдаги ҳудудни қўлай алоқа сигналлари билан таъминлаган эди. Тармоққа уланган дастлабки бир неча юзлаб мижозлар тизим ишининг аниқлиги, эшитиш сифати, хизмат кўрсатиш турлари, фойдаланиш учун тавсия этилаётган телефон қурilmаларининг ранг-баранглигига кўра машҳур «Моторола», «Эриксон», «Сименс» ва бошқа фирмаларга нисбатан афзалроқлигини маънундирлар.

Янги корхона 15 ой мобайнида, яъни 1998 йилнинг охирига қадар Ўзбекистоннинг жами вилоят марказларига ўз тармоғини яратиб, унга қамида 36 минг мижозни жалб қилишни мўлжалламоқда. Бундай кўтлуг режалар мутахассислар томонидан мамлакат бозорига ўтказилган мониторингга, ҳаракатчан нарх ва тариф сиёсатига асосланган. Жумладан, дастлабки пайтлардак бу ерда таққиф этилаётган «Моторола» ва «Сименс» фирмаларининг телефон аппаратлари, гарчи 495 дан 650 гача хатто 2050 АКШ доллари бўлса-да, улар бошқа айрим компаниялардаги нис-

батан арзонроқ нархдадир. Маҳаллий кўнғироқлар учун тарифлар ҳам анчагина фарқ қилади. Шаҳарлараро ва халқаро алоқа тарифлари ҳам одатдаги тарифлардан бошқачароқ. Масалан, Ўзбекистон ҳудудидаги бир минутлик суҳбат учун 0,40 АКШ доллари тўлаш керак бўлса, МДҲга — 1,50 доллар, Европа, Осиёга — 2,50 доллар, Америка, Африка, Австралияга кўнғироқ қилиш учун эса 2,40 доллар тўлаш керак. Мижозлар тўлови хизмат кўрсатиш режасига боғлиқ равишда 20 дан 500 АКШ долларигача, бепул эфир вақти — 100 дан 1200 минутгача, муайян шароитларда ташқаридан бўладиган кўнғироқлар учун ҳақ тўланмайди, ташқарига бўладиган кўнғироқлар учун тўловлар ҳам нисбатан кам, бунинг устига тун пайтидаги маҳаллий кўнғироқлар нархи 30 фоизга камайтирилган. Аввалдан бериладиган тўлов — 100 АКШ доллари.

Кредит варақасида хизмат учун тўлов 25 фоизга камайрилиши кўрсатилган. Билмаганлар учун бу рақамлар «хавоий» тўлолиши мумкин. Аммо тезкор кўча алоқага муҳтожлар бошқа компаниялар билан қислаб, нисбатан арзон нархларда юксак даражадаги алоқани таъминлайдиган фирмани таллашлари мумкин. Зеро, рақобат ва таққослаш имконияти хизмат кўрсатиш соҳаси, шу жумладан, уяли телефон алоқасидек қимматбаҳо хизмат турининг ривожига фаол таъсир қилади.

А. ДАРВЕШОВ

• Матбуотда «Таълим тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислох қилиш, баркамол авлодини вояга етказиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.  
• 5 октябрь кўни Тошкентда Буюк Британия маданияти кўнлари фестивали бошланди. 12 октябрга қадар давом этадиган ушбу фестивал юрт-

билан икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказди.  
• Украина Вазирлар Маҳкамаси Республика молия вазирлигига Винницядаги «Форт» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси учун 6,9 миллион гривен (қарийб 4 миллион АКШ доллари) миқдорда маблағ ажратиш вазифасини

топширди. Бу маблағлар биринчи Украина тўпловчиларини ишлаб чиқариш учун сарфланади.  
• Японияда соатиға 450 километр тезликда ҳаракат қиладиган тезюрор поезд синая кўрилди. Шуни айтиш жоизки, тезюрорликда Францияда яратилган поезд ҳамон жаҳонда рекорд натижани сақлаб турибди. У синов пайтида соатиға 515 километр тезликка эришган.

• Урта Ер денгизини Кипр байроғи остида сузаётган «Романтика» кемаси ёниб кетди. Кўтарувчиларнинг тезкорлик билан қўрган ҳаракатлари туфайлигина ундаги 475 йўловчи ва 187 нафар экипаж аъзоларининг ҳаммасини соғ-омон кўтариб олишга муваффақ бўлинди.

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

• Янеликлар • Воқеалар • Хабарлар  
долларимизга бугунги Буюк Британия билан яқиндан танишиш имконини беради.  
• Қашқадарё вилоят ҳокимлигида туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят ташкилотлари раҳбарлари иштирокида кенгаш бўлди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг шу йил 26—27 сентябрь кўнлари вилоятда бўлган чоғидаги учрашувларда ўртага қўйган вазифалар муҳокама этилди.  
• Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Андижон давлат тиллар педагогика институтига Абдулхамид Чўлпон номи берилди.  
• Россия Бош вазири Виктор Черномырдин расмий ташриф билан Қозғонистонда бўлиб, Президент Нурсултон Назарбаев

• Обуна — 98  
АЗИЗ  
МАЙЯТЛИМ!  
Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг захматқаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни нўптунган!

ОБУНА БАҲОСИ:  
Якка тартибдаги обуначилар учун:  
1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.  
Нашр курсаткичи: 227  
Ташкилот ва корхоналар учун:  
1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.  
Нашр курсаткичи: 228

## КЎРГАЗМА ЎТКАЗИЛДИ

Шу йилнинг 30 сентябрь — 3 октябрь кўнлари пойтахтимиздаги «УзЭкспоМарказ»да elcom Asia elcom Office—97 деб номланган навабдаги туринчи Халқаро кўргазма бўлиб ўтди. Кўргазмада 10 та мамлакатнинг 52 та фирмаси ўз маҳсулотлари билан иштирок этди. Жумладан, жаҳонга машҳур AEG, GEC, Alsthon, Roco ва Siemens каби компанияларнинг энергетика, электротехника, компьютер техникаси, телекоммуникация, офис жиҳозлари намойиш қилинди. Бу гал уяли, кўча алоқа воситалари, ёритиш тизими ва генератор, электротехника жиҳозлари кўргазманинг асосий қисмини эгаллаган бўлиб, тадбир иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.  
Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Acer, Apple, Canon,

Hewlett Packard, IBM, NEC каби машҳур компаниялар узимизнинг «Ал-Бухорий», «Турон», «Қанот-С» каби савдо фирмаларига ўз маҳсулотларини Elcom Asia-97 да намойиш қилишни ишониб топширишди. Ушбу халқаро кўргазма кўплаб ҳамкорлик шартномалари имзоланиши учун муҳим имкониятлар яратди.  
Мазкур кўргазманинг асосий ташкилотчилари — Германиянинг «Фэртрейд Мессе» унд Ауштеллунг ГмбХ фирмаси ва «УзЭкспоМарказ»дир. Асосий ҳомийлар эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Республика энергетика ва электрлаштириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бўлди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Республикада туризм турли газеталарида «Ўздунробита» уяли телефон алоқаси қўшма корхонасининг Star TAC ўта замонавий мосламасини улаш бўйича имтиёзли суратда кўрсатажак хизмати тўғрисида кўпчиликни қизиқтирадиган эълонлар берилди. Жаҳоннинг энг йирик шаҳарлари билан бир қаторда Тошкентда ҳам сотилаётган мазкур қўлай ва мўъжаз телефон қурилмаси хусусидаги янги ахборотлар кимни қизиқтирмайди дейсиз. Уни имтиёзли суратда ишга тушириш хусусидаги ахборотлари эса, яна-да кўпроқ қизиқтириши табиий. Бу имтиёзлар, маълум бўлишича, бир нечта. Айрим ҳолларда қурилма хизмат

кониятларидан фойдаланиш қурилманинг энг яхши сифатлари ҳисобланади.

Мижозларга бериладиган имтиёзлар хусусида маркетинг хизмати ходимларининг айтишларича, бу имтиёзлар 1997 йилнинг 5 августидан 10 сентябрга қадар берилган ва умумхалқ байрами — Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган. Фақат «Ўздунробита»га биринчи марта мижоз бўлишга аҳд қилган кишилар учунгина шу вақт ичида «Ўздунробита» тармоғига имтиёзли суратда улашиш имкони берилди. Хизматнинг байрам пакети таркибига Star TAC қурилмаси, тизимга улаш нархи ва сўхбат учун аввалдан тўланадиган нарх кири-

бу Тошкент ва Самарқанд тармоғидаги мижозларга тааллуқли. Лекин бу ҳам озмунча эмас, чунки мазкур худудларда компания жами мижозларининг 80 фоизи яшайди. Энди бу мижозлар ортқича кўнгиракларга ўрин қолдирмаслик учун ўз телефонларини узиб қўймасалар ҳам бўлади — майли, истаганларича кўнгирак қилсинлар! Бунинг учун қабул қилаётган томон ҳақ тўламайди. Мазкур компания 1997 йилнинг 10 сентябридан кўчма телефонларни улашининг янги, қамайтирилган тарифларини жорий қилди — улар 200 долларга қамайтирилди! (Тўлов табиийки, сўмда). Хизмат тармоғи — корхоналар ва таш-

## ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркази» нашрийет маркази қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейига атаб «Буюк ипак йўли» мавзусида янги почта маркалари туркумини муомалага чиқарди.

ний каби Шарқ фани ва маданиятининг ёрқин юлдузлари Хива шаҳрида ижод қилганлар.

«Буюк ипак йўли» деб номланган янги почта маркалари туркуми 4 та почта маркаси ва 2 та почта блокидан ташкил топган. Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган 2 та почта маркасида шаҳарнинг машҳур ёдгорликлари: Бухоро ҳукмдорлари қўрғони ва қа-



ЎЗБЕКИСТОН 1997 -UZBEKISTAN



ЎЗБЕКИСТОН 1997 -UZBEKISTAN



ЎЗБЕКИСТОН 1997 -UZBEKISTAN



ЎЗБЕКИСТОН 1997 -UZBEKISTAN

Эрон, Хиндистон сари элтвчи қадимги қарвон йўллари кешишган ерда жойлашган. Қадимги қўләмаларда машҳур қарвон йўллари билан боғлиқ шаҳарлар қаторида Хоразмнинг Хива шаҳри ҳам қайди этиб ўтилган. Хоразм ҳақидаги дастлабки маълумотлар «Авесто»да берилган. Ори-ва шаҳри Урганч ва Марв оралиғида жойлашган мўъжиз савдо-сотик маскани бўлган.

роргоҳи бўлмиш «Арк» ҳамда муҳташам «Сомониёлар макбараси» тасвирланган. Ушбу тарихий обидалар бутун дунё сайёҳларини ўзига мафтун этиб келмоқда.

Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган яна 2 та почта маркасида эса «Ғарбий дарвоза» ва «Исломуҳжа минораси» тасвирланган.

Бухоро ва Хива шаҳарлари савдо-сотик бобидагина эмас, маданий-маърифий соҳада ҳам машҳур бўлган. Умар Хайёмнинг бир қанча шеърини сатрлари Бухорода яратилган. Жаҳонга донги кетган Ибн Сино, Фирдавсий, Рудакийлар ҳам Бухорода ижод қилган. «Алгебра» (алжабр) ва «алгоритм» (ал хоразм) каби атамаларнинг келиб чиқишига асос солган буюк математик ал Хоразмий, атоқли олим ва қомусчи Абу Райҳон Бери-

Почта блокларида Бухоро ва Хива шаҳарларининг панорамалари, чўлининг сарғимтин фониди сароб янглик кўринувчи тувлар қарвонни тасвирланган. Мазкур блокларда «Буюк ипак йўли» деган ёзув бор.

Почта марка ва блокларида эсдалик совға сифатида ўзбек ва инглиз тилларида битилган «Буюк ипак йўли» ёзуви бўлган 2 та хатжилд ҳамда маҳсулоти сўндириш штемпели кўшишма қилинган. Марка, блок, штемпель ва хатжилддаги расмларни тошкентлик расмном М.Бақликов ишлаган.

## «ЎЗДУНРОБИТА»: МИЖОЗЛАРГА ҚЎЛАЙЛИК

Бугунги кунда уяли телефонга қизиқиш тобора ортиб бормоқда.

кўрсатиш туркуми—қурилма нархи, тизимга улаш ва сўхбат учун олдидан ҳақ тўлаш — 25 фоизга арзонлаштирилган ҳолда сотилади. Бошқа ҳолларда эса, имтиёз қурилмани тизимга бутунлай текин улашдан иборат бўлади.

«Ўздунробита» қўшма корхонаси маркетинг департаментидан тушунтириш беришиди: — Аввало, янги телефон аппарати хусусида. Бу жаҳонда биринчи ҳақиқий уяли алоқанинг қўчма қурилмаси бўлиб, кўпгина вазифаларни бажара олади ва бошқа моделлардан кескин фарқ қилади. Унинг оғирлиги атиги 77 грамм бўлиб, чиройли кўринишга эга. Бу қурилма билан ҳар қандай шароитда ишлаш қўлай ва осон. Батарей ишлаб чиқаришнинг янги технологик даражаси кичик вази ва ҳажмида катта сизимга эга мўъжаз ва ишончли қувват манбаини яратиш имкони берди. Бундай қурилма чўнтакка бемалол жой бўлади. Мазкур қурилма ёрдамида телефон орқали тез ва қўлай алоқа ўрнатилган катта имконият. Телефон хизматидан фойдаланиш учун «ўрта» деб юритилувчи тугмачани энгилгина босиб кифоя. Овозни мослаш, кўнгирак қилиш ва кўнгиракка жавоб қайтариш, телефоннинг барча қўлай им-

тидди. Нархлар эса, 25 фоизга арзонлаштирилди. Бошқача кўриниши шундай: қурилманинг қиймати ва сўхбат учун аввалдан тўлов тўла амалга оширилди, тизимга улаш эса текин бўлди. Бу икки кўринишдаги имтиёзлар хусусида бошловчи мижозларга маълумот берилди. Ҳар бир янги мижоз уяли алоқанинг энг мукамал ва мўъжаз қурилмасига эга бўлибгина қолмай, бу имкониятга анча арзон нархда эга бўлишиди. Ўтказилган тадбир янги мижозларнинг катта гуруҳида қўчма алоқа хизматига бўлган талабни қондириш ва тармоқни кенгайтиришга қаратилди.

Жаҳондаги энг мўъжаз уяли алоқа қурилмаси Star TAC тез шухрат қозонди, юзлаб мижозлар Ўзбекистон Мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган тантанали кунларда бу қурилмадан илк бор фойдаландилар. «Ўздунробита» кейинчалик ҳам тарифларни қамайтириш, навбатдаги арзонлаштириш ва имтиёзларнинг бундай қораларини кўрди. Улар айниқса, бошқа уяли алоқа компанияларида анча сезиларли таассурот қолдирмоқда. Масалан, «Ўздунробита» 1997 йилнинг 1 сентяб-ридан ўзининг хизмат кўрсатиш чегарасига алоқага киришиш бепул равишда амалга ошири-лажагини эълон қилди. Тўғри,

К. ТўЛАГОНОВ

**Мустақиллик шарофати туфайли нашр ишларида салмоқли жонлиши юз берди, кўллаб янги газета ва журналлар пайдо бўлди. Сир эмас, ўз ўқувчисининг кўнглига йўл топа олган, талабчан муштарийларнинг диққат-эътиборига сазовор бўлган нашрларгина бозор иқтисодиёти синовалардан ўтиб, рақобатга бардош бера олади. Ҳўш, бизда ана шу жараён қандай кечмоқда? «Матбуот тарқатиш уюшмаси» ассоциациясига қарашли газета дўконлари сотувчилари билан режалаштирган туркум сўхбатларимиз ана шу муаммолар хусусидадир.**  
**Айни чоғда бу масалалар**

## МАТБУОТ – ҲАЁТ КЎЗГУСИ

ҳақида ҳар бир дўкон сотувчиси, ҳар бир муштарий бемалол газета саҳифаларида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириши мумкин.

1. Ҳозирги кунда қайси матбуот нашрларига талаб-эҳтиёж катта? Уларнинг янада мазмунли бўлиши учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

2. Газета ва журналларнинг сотилиши қай даражада сизларнинг сўй-ҳаракатингизга боғлиқ?

В. П. ГУЛҲАҚОВ, Тошкентдаги 278-газета дўконининг

сотувчиси:

1. Саволнингизга жавобан бирорта матбуот нашрини мисол келтиролмайман, аммо «Мулқдор», «Постда», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарининг сотилиши нисбатан яхши. Умуман, аксарият газеталарнинг сотилмай қолиб кетаётганидан афсусдаман. Бунинг сабаби аён: кўпчилик мухбирлар «Мустақиллик» деган муқаддас сўзни ҳар бир мақоласида ҳуда-беҳуда (эпизи келтириб!) ёзаверади. Арзимаган ишларни ҳам мустақиллик шарафига йўядилар. Аслида бундай қораламалар бо-

тинан мантисиздир. Ёки масъулиятли вазифасига ҳолийқ бўлган айрим ҳокимларнинг ўқувсизлиги боис тараққиётдан орқада қолаётган кишлоқларнинг асл кўринишини «Ҳозирги иқтисодий қийинчилик туфайли...» деган баҳона билан пардалаб кетишлар кўп учраятти.

Журналистларимиз элнинг дарду-қувончини ҳаққоний ёри-тишлари керак. Журналист эл билан ҳамнафас яшасагина газеталар дўконда «сарғайиб» ёт-майди.

2. Газеталарнинг сотилиши кўп жиҳатдан бизга ҳам боғлиқ,

албатта. Масалан, «Хуррият», «Ёзувчи» газеталарини ўқиб, ҳордиқ чиқариш мумкин. Мен мазкур нашрларни мижозларга чин дилдан тақлиф қилая-ман. Яқинда «Жаҳон адабиёти» журналининг иккинчи со-нини нашрдан чиқди. Маълумки, бу янги мажмуада бадий санъатнинг гўзал намуналаридан таржималар, шеърлар, ҳикоялар ва яна кўллаб қизиқарли мақолалар босилаяпти. Тўғри, яхши нашрлар кам, лекин биз — сотувчилар муҳ-лисларни «қўри» бор нашрлар билан яқиндан таништирсак, натижа ёмон бўлмайди.

Н. НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди

**ШАБРИҚЛАЙМИЗ!**  
**Ҳурматли Клавдия Семёновна ЕРМИЛОВА!**  
Сизни 70 ёшингиз ва алоқа соҳасидаги иш фаолиятингизнинг 40 йиллиги билан чин дилдан қўтлаймиз. Сизга соғлиқ, кўтаринки кайфият тилаймиз.  
**Бухоро вилояти Ронитан тумани почта алоқа боғламаси жамоаси**

**• Алоқа матбуот кўзгусида УЧРАШУВДАН — ҚАМОҲОНАГА**  
Исроиллик эр-хотин Хайфларнинг автомобилни ўғирлаб кетишиди. Полициячиларнинг сўраб-суриштиришлари натижа-сида ўғирланган машинада уяли телефон борлиги маълум бўлди. Ана шу «қармоқ» билан муттаҳамни тутишга қарор қилинди.  
Бу ишга Ярдана Раҳами деган полициячи қиз бош қўшди. У ўша телефон орқали кўнгирак қилган эди, ўғри жавоб қилди. Полициячи қиз ноз-фирик қилиб, бу рақамга янгли-шиб тушганини, аммо кўнгилахушиққа мойиллигини бил-дирди. Ўғри (кейинроқ маълум бўлишича, 22 ёшли йигит экан) тузоққа осонгина илмини, дарров ўчрашув жойини бел-гилади. Қолган ишлар хамирдан қил суғургандай бажарил-ди.  
Ўчрашувга номаълум гўзалдан ташқари, яна бир қанча барзанги полициячилар ҳам етиб келишди. Жиноятчи қўлга тушди.

Фарғона вилоят давлат электролоқа ишлаб чиқариш корхонаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қа-саба уюшма қўмитаси жамоалари Фарғона телефону-телеграф станциясининг собиқ ишчиси, биринчи ўзбек телефончиси, Меҳнат Қаҳрамони  
**Фотима ая ЮСУПОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, чўкур таъзия изҳор қилди.  
\*\*\*  
«Қашқадарётелеком» корхонаси жамоаси Қарши ша-ҳарлараро телефон станцияси телефончиси Н.И.Антипо-вага отаси  
**Иван Павлович АНТИПОВ**нинг вафоти муносабати билан чўкур ҳамдардлик билдира-ди.

**Гоҳо муштарийлар орасида «Газета, журналлар жуда кўпайиб кетди, ҳаммаси бир-бирига ўхшаб қолмоқда, ўқишли, қизиқарли-мазмунли нашрлар кам» деган нолишлар эшитилиб қолади. Тен олиш керак — бу гапларда қисман жон бор. Айни чоғда мустақиллик ва бозор иқтисодиёти шароитида юзага келган имкониятлардан унумли, оқилона фойдаланиб, ўз ўқувчи-мухлислари кўнглига йўл топаётган нашрлар ҳам борлигини қайд этиш жоиздир.**

Сир эмас, қизил мафкура ҳукмронлиги даврида айрим нашрларга алоҳида имтиёзлар берилар, хусусан КПСС органлари ўз-ўзидан катта нуфузга, обрuga, муваффақиятга маҳкум эди. Энди замона ўзгарди. Энди бировни мажбурлаб обуна қилдирилмайди. Нашрлар эркин рақобатда, муштарийлар қалби учун ҳолис курашда ўз ўрнини топа билиши даркор. Бундай ҳалол курашда янги ташкил этилган, ёш нашрлар бемалол илгариги эски нашрлар билан беллашмоқда. Ажабланишлик ҳол эмас бу!

Андижон вилоятининг «Холис» савдо-саноат бирлашмаси муассислиги ва ҳошимлигида 1996 йилнинг 2 апрелида «Холис» газетасининг биринчи сони босмадан чиққан эди. Бирлашманинг ёш, маърифатпарвар раҳбари Шокиржон Иброҳимов янги тахририятни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турди. Қисқа фурсат

Аслида бунинг ҳеч қандай сир-асрори йўқ. Ишни тўғри ташкил қилиш, яхши, ишчан жамоа барпо этиш ва астойдил, сидқиқилдан меҳнат қилиш тўғрисида юқоридаги натижаларга эришилди. Бу ишларга «Холис»нинг бош муҳаррири, пойтахтдаги ижодий ташкилотлар ва тахри-

«Холис» кенг ўқувчилар оmmasига мўлжалланган, ҳамма-бop газетадир.

Биз узоқ йиллар буржуа матбуотини фақат сенсация, яъни шов-шувли воқеалар кетидан қувиб юрди дея беҳуда танқид қилиб келдик. Энди маълум бўляптики, жиддий гаплардан, сиёсатдан,

суҳбатларини, Тохир Малиқнинг «Шайтанат» (учинчи китобини ўқишга муюссар бўлдилар. Сайфиддин хожи Жалилов, Шукржон Валиев, Валижон Дадажонов, Нигора Сайдалиева каби муштарийларнинг чикишлари ҳам муштарийларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Юқоридаги муаллифлар билан бундай самарали ҳамкорлик янги — 1998 йилда ҳам давом эттирилади. Хусусан, Тохир Малиқ «Шайтанат» туркумида «Мархумлар гапирмайдилар» деган саргузашт қиссасини «Холис» ўқувчиларига тақдим этмоқчи.

Газетанинг биринчи саҳифасидаги «Холис меҳмони», шунингдек, «Муҳаббат, муҳаббат», «Бизнеснинг бепоён олами», «Шаръий ҳукмлар», «Епирай», «Назм гулшани», «Хайрат», «Бирни кўриб зикр қил» каби муштарийлар диққат-эътиборига тушган руқнлар яна давом эттирилади, янги руқнлар пайдо бўлади. Телекўрсатув дастурлари (жумладан, водийдаги теледастурлар ҳам), ташкилотлар ва хусусий шахслардан қабул қилинган турли реклама ва эълонлар ҳам бериб борилади.

Хуллас, «Холис»га иккиланмай обуна бўлаверинг — ютқизмайси!

**Шодмон ОТАБЕК**

## «ХОЛИС»ГА ОБУНА БЎЛИНГ — ЮТҚИЗМАЙСИЗ!

• Обуна—98

ичида янги газета мухлислар, муштарийлар назарига туша бошлади. Адади беш мингдан йигирма минггача чиқди. Шу йилнинг январидан тахририят ўша бирлашма муассислигида, аммо иқтисодий жиҳатдан мустақил равишда иш бошлади. Эндиликда «Холис» фақат Андижондагина эмас, балки Наманган (600 нусха), Фарғона (1200 нусха) вилоятларида ҳамда Тошкент шаҳрида ҳам (700 нусха) тарқалмоқда. Газетани олишга бошқа вилоятлардан ҳам буюртмалар тушмоқда.

Уш, бундай муваффақиятнинг сир-асрори нимада деган табиий савол туғилади.

риятларда узоқ йиллар ишлаб сўяги қотган тажрибали қаламкаш, таникли шоир ва ёзувчи Қамчибек Кенжа бошқош бўлмоқда.

Тахририятнинг Набижон Жалолитдин, Восит Аҳмад, Малик Боймуҳаммад, Нозим Расул, Дилшод Урмонов, Дилшод Хусанов каби жонқуяр ходимлари газетани янада мазмунли-мароқли қилиш борасида тинимсиз изланмоқдалар.

«Холис» билан ҳали дурустроқ танишиб улгурмаган ўқувчиларда «Уш, бу газета нима ҳақда ўзи? Янги йилдан унга обуна бўлсак арзийдими?» деган табиий савол туғилади.

ёлгондан тўйиб кетган ўқувчи яхши маънодаги сенсация ҳам керак экан. Бу билан «Холис»да фақат сенсация ҳақида ёзилар экан деган маъно чиқмайди, албатта. Газета саҳифаларида айни чоғда сиёсат, иқтисодиёт, тарих, маданий мерос, адабиёт ва санъат, маънавият, қулғуҳажвия, ислом савоблари, муҳаббат каби мавзуларга ҳам кенг ўрин берилмоқда. Жорий йилда мухлислар Саид Аҳмад, Эркин Воҳидов, Уткир Хошимов, Йўлдош Сулаймон, Тулан Низом, Исмоил Тулак, Анвар Обиджон, Ҳалима Қорабоева, Замира Рўзиева, Убайдулла Содиков каби ижодкорларнинг асарлари,

— Захирий САМАРҚАНДИЙ

### АФРИДУН САРОЙИГА БИТИЛГАН СЎЗЛАР

Биринчи: «Кимки чакимчиларнинг ва ёлгончиларнинг сўзига кирса, ранжу балолар кўргай, ақл тадбирининг қўли унинг чорасидан кутулишга калталик қилгай».

Иккинчи: «Кимки ақлу дониш онаси этагида тарбия топган бўлса, ҳеч вақт душман макридан гофил қолмагай, душман илонга ўхшайди, яъни ҳеч қачон дўст бўлмайди».

Учинчи: «Дўстлардан арзимаган сабаб бирлан ранжиш ярамайди ва дўстлардан ўпқалаш нодонлик аломатидир».

Тўртинчи: «Дўст душманга айланмасин десанг уни азиз тут, токим, шафқат сувисиз қолган, озуқасиз пажмурда бўлган муҳаббат дарахти, ҳамдамлик ва эътиқод ниҳоли қайтадан гуллаб-яшнасин».

Бешинчи: «Доно кишилар билан маслаҳат қур. Шунда хом маслаҳатлардан узоқ бўласан ва ишларинг тўғрилик ила амалга ошади».

Олтинчи: «Ўз ичингдан чиққан душмандан эҳтиёт бўл, ўзингни ундан узоқ тут, зеро, билгилки, унинг камонидан отилган ўқ нишонга аниқ тегади».

Еттинчи: «Агар ақлинг бўлса, синалмаган одамларга ишонма, бу борда зийраклар дебдилар: «Синалмаган одамдан синалган ҳайвон яхшидир».

Саккизинчи: «Ўйламасдан сўзлама, қутилмаган азобларга гирифтор бўласан ва ҳар бир ишнинг оқибатини кўра бил».



Кел, суратга тушамиз эчким!

Аразласанг кўнглинг тўлмайди.

Сени боғлаш мумкин, лекин

Болалиқни боғлаб бўлмайди.

А.АБДУРАҲМОНОВ олган сурат

### Шахмат оламида ҚЎЛИ ЕТМАСА НИМА ҚИЛСИН?

Австралиялик гроссмейстер Шпильман ўзининг дадил ва ажабтовур комбинациялари билан жаҳонга донг таратган шахматчилардан. У ўрта бўйли, қўли калта, бақалоқ киши бўлган. Шунинг учун сеанс пайтида агар стол энлироқ бўлса, баъзан шахмат тахтасининг ҳариф томонидаги хоналарига қўли етмай қолар эди. Бир сафарги сеансда филини аш беш хонасида қурбон қилиб, ҳарифларидан бирини чиройли тарзда ютади. Буни томоша қилиб турган бир ишқибоз сеансчиға: «Ажойиб қурбон бердингиз, лекин бундан олдинроқ филингни аш етти хонасида қурбон қилишингиз ва аллақачон ютишингиз мумкин эди-ку!» — деди.

Шпильман совуққонлик билан: «Биламан, биламан дўстим, бирок аш еттига қўлим етмаса нима қилай? — деб жавоб берди.

• Ажаб дунё

### КУЛАГИ ДАРАХТИ

Яқин Шарқ мамлакатларида бир ўсимлик борки, ўзига хос ажойиб ҳислати учун уни маҳаллий халқ «кулги дарахти» деб атади. Дарахт паст бўйли ва кўрimsиз; меваси ловиядек келади. Мевасини истеъмол қилган киши қийқариб кула бошлайди. Кулги бир соат чамаси давом этади. Омади келмаган киши, иши юришмаган савдогар, ўлжасиз қайтган овчи, тиш оргрига дучор бўлган одам ёки оиласидан ранжиб чиққан киши «кулги дарахти» мевасидан истеъмол қилиб, кўнглини ёзиши мумкин.

**МУАССИС:** Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Абдувоҳид ЖУРАБОВ Шухрат ЖАББОР

Анатолий КУДИНОВ  
Иzzат АХМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масъул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ  
Бобохон ШАРИФ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Бўривой АХМЕДОВ  
ОТАУЛИ  
Саидмахмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган кўнълэмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.

Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0701. 9148 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.  
Корхона манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

